O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 24 январь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 7 (7306)

Da'vat

Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ.

Жон ЛОКК

Ibrat

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит бўйича дастури (UNEP) шу йилнинг 29 январь — 9 февраль кунлари Кенияда бўлиб ўтадиган «Ёшларнинг глобал тафаккури» форумида қатнашиш учун танланган 30 нафар ёшлар орасида "Тошкент экологик клуби" аъзоси, Тошкент Давлат юридик институтининг 3-курс талабаси Мавлон Муҳитдинов ҳам борлигини маълум қилиб, хат йўллади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик халқимизнинг XX аср сўнгида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси эканини, ўн йиллик мустақил тараққиёт ҳаётимизда алоҳида босқич, янги бир давр бўлиб қолишини назарда тутиб, қутлуғ анъанага айланиб қолган энг улуғ, энг азиз байрамимиз— истиқлол айёмини кенг нишонлаш, юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий тафаккурини юксалтиришда, олдимизда турган буюк мақсадлар сари сафарбар қилишда беқиёс аҳамият касб этишини, истиқбол режаларини ана шу ҳақиқатни чуқур англаш асосида белгилаш заруратини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллигини кенг нишонлаш бўйича дастур тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик, идора, уюшма ва жамғармалар мазкур дастур асосида тегишли маънавий-маданий-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихини, унинг тараққиёт босқичлари ҳамда илмий-назарий масалаларни ўрганиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳ таркиби тасдиқлансин.

Қуйидагилар ишчи гуруҳининг асосий вазифаси этиб белгилансин:

—миллий давлатчилигимизнинг кўп минг йиллик тарихини, мустақиллик йилларида унинг негизида тикланган замонавий ўзбек давлатчилигининг ўзига хос тараққиёт тамойиллари, жамиятимизнинг пировард мақсадларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш, буюк аждодларимизнинг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини, улар яратган фалсафий таълимотларни ўрганиш ва зарур хулоса ва сабоқлар чиқариш;

— мустақиллик ўз-ўзидан келмаганини, озодлик йўлида ота-боболаримиз асрлар давомида кураш олиб борганини милий истиқлол ғояси асосида фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш;

— ёшлар қалбида буюк аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий-маданий меросга ворислик ва ифтихор туйғуларини уйғотиш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига эришиш, жамиятимизда турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини қарор топтириш борасидаги амалий ишлар мазмунини кенг таҳлил этиш;

—истиқлол шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти том маънода юзага чиққанини, халқ хўжалигининг барча соҳаларида салмоқли ютуқларга эришилганини, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишлар Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилишини чуқур асослаб бериш.

5. Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси, "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА), "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг 10 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ва мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 19 январь.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 198-мактаб жамоаси бошланғич синф ўқитувчиси Озода Султонхўжаева ва она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Холида Шариповаларни ҳурмат билан тилга олишади. Гап шундаки, бу устозлар ўқувчиларининг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичлари доимо юқори бўлади.

Суратларда: 1. "Шуҳрат" медали совриндори Озода Султонхўжаева келини Г.Султонхўжаева ва қизи В.Исахоновалар билан навбатдаги машғулотлар режаси хусусида ўзаро фикр алмашишяпти.

2. Фидойи муаллима Холида Шарипова адабиёт тўгараги аъзоларига "Шеър ва табиат" мавзуида маъруза қилаётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Bir soatlik dars

«ФИДОЙИЛАР КЕРАК БИЗГА, ФИДОЙИЛАР!..»

Ўтган ҳафтада эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида"ги Фармойиши ўқитувчилардан, айниқса, тарих фани ўқитувчиларидан миллий истиқлол ғоясини ёшларимиз онгига сингдириш борасида янада фаолроқ бўлишимизни, ижодкорлик билан самаралироқ ишлашимизни, чунончи, бу Фармойиш ҳар бир дарсга янгиликлар киритишимизни, амалий жараёнда қадриятларга эътибор қаратишимизни талаб этади. Шу маънода ҳамкасбларимга яқинда "Ўзбекистон тарихи"дан ўтказилган бир соатлик дарсни гапириб бермоқчиман.

Янги дастурга кўра, мазкур фандан "Хоразмшоҳлар давлатининг ҳалокати" мавзусини ўрганишга 7-синфда 2 соат вақт ажратилган. Биз мазкур дарснинг таълимий ва тарбиявий жиҳатларини назарда тутган ҳолда мозий ва ҳозирги замонни қиёсий ўрганиш мақсадида мавзуга ижодий ёндашиб, уни шартли равишда "Фидойилар керак бизга, фидойилар!.." деб атадик ва дарсни мулоқот усулида олиб боришга ҳаракат қилдик.

Бир соатлик дарсни аввалги мавзуларни мустаҳкамлашдан, яъни "Хоразмшоҳларнинг мудофаа режаси ҳақида гапира оласизми?", "Ўтрорнинг қаҳрамонона мудофааси ҳақида нималарни биласиз?", "Бухоро фожиаси ҳамда Самарқанд остонасидаги жанг ҳақида гапириб беринг", "Темур Малик жасоратини эшитганмисиз?" каби саволларга жавоб олишдан бошладим. Ўқувчиларнинг жавоблари биргаликда қўшимча манбалар асосида тузатилиб, тўлдирилгандан сўнг ўғил-қизларга қўшимча материалларни ўқишни тавсия қилдим ва ўтилган мавзуни янги мавзуга боғлаб юбордим.

"Фидойилар керак бизга, фидойилар!.." номли машғулот режасини синф тахтасига қуйидагича ёздим:

1. Урганч қамали ва эрксевар шаҳар аҳолиси.

2. Нажмиддин Кубронинг "Ё Ватан, ё шарофатли ўлим" даъвати.

3. Амударё соҳилидаги жанг ва Жалолиддин Мангуберди жасорати.

4. Ватанни севмоқ фарздир.

5. Муҳаммад Юсуфнинг "Фидойилар" шеъри.

Янги дарс аввалида ўғил-қизларга урганчликларнинг душманнинг ҳарбий куч ва зирҳли қуролларининг устунлигига қарамай, ўз она шаҳри мудофаасига ғоят баланд руҳ билан киришганликлари баён қилинади. Нажмиддин Кубронинг "Ё Ватан, ё шарофатли ўлим" даъваткор хитоби билан эса шаҳар ҳимояси ва қонли кураш беш ой давом этганлиги, мудофаачилар қадрдон шаҳрининг ҳар бир қарич ерини мардона ҳимоя қилганликлари, мардликка ундаган куч — юрт мустақиллиги, озод ўлка орзуси эканлиги хусусида тушунча берилади. Шу аснода Чингизхоннинг Нажмиддин Куброга аҳли аёнлари, барча ёру дўстлари билан шаҳар ташқарисига чиқиб, жон сақлашни таклиф этганида ёвуз душман бошлиғига Нажмиддин Кубронинг рад жавоби бергани ҳамда у яраланган бўлишига қарамай, туғ тутган мўғул сарбозига ташланиб қаҳрамонона шаҳид бўлгани гапирилса, ўғил-қизлар бундай жасоратдан ва ватанпарварликдан ғоят таъсирланадилар.

Амударё соҳилидаги

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида аграр соҳа раҳбарлари учун ташкил этилган бир ҳафталик семинар-мунозараларнинг иккинчи гуруҳи машғулотларига якун ясалди.

• Сербияда ўтказилган парламент сайловларида ички ишлар вазирлигига номзоди кўрсатилган ва энг кўп овоз олган Дусан Михайлович агар шу лавозимга эришса, Слободан Милошевич давридаги яширин полиция материалларини қайта ўрганиб чиқажагини билдирган.

• Кейинги кунларда конголик ҳарбийлар президент Лорана-Дезир Кабиланинг ўлимини уюштирганликларини тан олиб, 15 январь куни 47 нафар ўспирин судсиз ва сўроқсиз отиб ташлангач, "Норозиларнинг ёш вакиллари" шундай қилишни маъқул топганлиги ҳақида ахборот тарқатган.

• Россияда юзага келган муаммолардан бири — НТВ атрофидаги воқеалар барҳам топиши учун CNN асосчиси Тед Тернер Телемажмуанинг бир қисмини (нархи 300 миллион доллар) сотиб олиши мумкинлигини билдирган.

• БМТ маълумотларига кўра, Афғонистонда узоқ йиллардан буён давом этаётган уруш ҳамда қурғоқчилик сабабли қўшни давлатларга кўчиб кетаётган фуқаролар сони тобора кўпаймоқда ва биргина Покистоннинг ўзида икки миллиондан зиёд афғон қочоқлари истиқомат қилмоқда.

ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, мамлакатимиз Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, «Соғлом авлод» ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари бажарилишининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарган йиғилишда бу борада белгиланган вазифа ва режаларнинг ижроси атрофлича муҳокама этилди. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида кўзда тутилган кенг миқёсли, республикамиз таълим тизимининг барча йўналишларини қамраб олган вазифалар муваффақиятли бажарилаётгани таъкидланди.

Узлуксиз таълим тизимида қўлланиладиган барча ўқув дастурлари миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди ва янгиланди. Ижтимоий соҳа йўналишидаги барча ўқув фанлари бўйича маъруза матнлари чоп этилди. Жамиятимиздаги ўзгаришлар ва янги қарашлар асосида ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратилиши учун мустаҳкам замин тайёрланди.

Ўтган йил давомида «Соғлом авлод» давлат дастурида режалаштирилган, аҳолининг барча қатламлари ва айниқса ёш авлодни жисмонан ва руҳан баркамол этиб тарбиялашга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари, «Она ва бола» скрининг марказларини ташкил этиш борасида сезиларли ишлар бажарилди.

Йиғилишда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар таҳлилига ҳам алоҳида эътибор жалб этилди. Кўпинча амалий иш ўрнига, мажлисбозлик, кампаниябозлик билан шуғулланиш, хўжакўрсинга тадбирлар ўтказиш, рақам ва ҳисоботлар учун ишлаш сингари жиддий нуқсонлар ҳамон камаймаётгани, фуқароларнинг ҳаётий эҳтиёжига беписандлик билан қараш ҳоллари юзага келаётгани кескин танқид қилинди. Айни вақтда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар таъсирчанлиги ҳам талаб даражасида эмаслиги, улар бевосита аҳолининг кенг қатламларини қамраб олмай, аксарият ҳолларда раҳбарлар ва фаоллар доирасида чекланиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Рисқиев, А.Мелибоев, З.Ҳусниддинов қатнашди.

/ЎзА/

XXI АСР:

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ИНСОН ОМИЛИ

Fikr, mulohaza, taklif

Бугун ҳар бир фикрловчи инсон XXI асрнинг, янги асрда ўзи, яқинлари, касбдошлари, тенгдошларининг жамиятдаги ўрни ва салоҳияти қандай бўлишини ўйлаши, табиий.

Ўтган асрнинг аҳамияти, қадр-қиммати, тарихийлиги яна шундаки, Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Мустақил давлат ўзининг Асосий Қонуни — Конституцияси билан кафолатланган бир қанча муҳим тарихий ҳужжатларига эга бўлдики, улар орасида Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" алоҳида ўрин тутади. Ундаги ғоялар, аввало, XXI асрда яшайдиган, ижод қиладиган, Ватан ва юрт мустақиллигини мустаҳкамловчи инсонларнинг манфаатини ифодалайди. Дастурда эътироф этилган кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида шу нарса алоҳида белгиландики, таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш таълим-тарбия дастурларининг интеллектуаллашувини таъминлайди.

Ўтган асрни сарҳисоб қилиб, янги юзйиллик ва мингйилликнинг қандай бўлишини тасаввур этарканмиз, унинг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида ўша янги таълим дастурларида назарда тутилаётган замонавий ахборот технологиялари,таълимни компьютерлаштириш ва компьютерлаш тармоқлари тизимида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашнинг ривожланишини назарда тутмоқдамиз. Зеро, миллий дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий ишларда эътироф этилганидек, "таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш" малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим мезонларидандир. Демак, янги аср — информацион технологиялар асри бўлади. Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи бир муҳим жиҳати шундаки, янги аср халқаро, иқтисодий корпорация — жаҳон миқёсидаги интеллектуал салоҳият, ақл-заковатнинг бирлашуви асри бўлади.

Хўш, ахборот технологиялари нимаю, уларни инсон идроки, тафаккури ва онгига сингдиришда нималарга эътибор қаратилиши лозим?

Бугун биз янги технологияларга сарфланаётган маблағлар қай даражада ўзини оқлашини, уларни таълим сифатини ошириш, ахборотлар ва телекоммуникацияли технологиялар ҳамда масофали таълимни ривожлантиришга таъсири қандай бўлишини тасаввур қила олишимиз шарт. Кўп ҳолларда "таълимнинг компьютер технологиялари" ибораси "ахборот технологиялари" ибораси билан алмаштирилиб юборилади. Бу ўринда асосан анъанавий педагогик технологиялардан фарқли, компьютер тармоқларига уланган, дастурлаштирилган, халқаро алоқаларни ҳам таъминлашга қодир тизим назарда тутилмоқда. Бу ҳолат сўнгги йилларда жамият ҳаётида компьютерларнинг аҳамияти ортиб бориш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш" малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим мезонларидандир. Демак, янги аср — информацион технологиялар асри бўлади. Бу масаланинг бир томони.

(Давоми 2-бетда)

САҚЛАНИШ МУДДАТИ УЗАЯДИ

Англияда бир гуруҳ мутахассислар томонидан сутга ишлов беришнинг янги технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технология сутнинг таркибидаги инсон организми учун зарур бўлган моддаларни тўла сақлаб қолган ҳолда, маҳсулотнинг сақланиш муддатини ҳозиргига қараганда икки баробар узайтиришга имкон беради.

ЮКСАЛАЁТГАН ИНШООТЛАР

Сўнгги вақтда дунёнинг йирик шаҳарларида осмонўпар бинолар қуришга эътибор тобора кучаймоқда. Масалан, Шанхайда 460 метр, Далласда 495 метр баландликка эга бўлган биноларни қуриш масаласида мутахассислар жиддий бош қотиришмоқда. Жумладан, яқинда Лондонда 390 метрлик, 80 қаватли бино лойиҳаси тайёрланди. Унда турар-жойлар, офислар, меҳмонхона билан бирга бир неча боғчалар жойлашиши ҳам кўзда тутилган.

Ўқитувчи ён дафтарига

ЯҚИН 30 ЙИЛ ИЧИДА....

АҚШнинг аэронавтика ва фазовий бўшлиқни тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — НАСА директори Дэниэл Голдиннинг таъкидлашича, инсон тез орада Марсни ўзлаштиришга киришиши мумкин. Яқин 30 йил вақт ичида инсон нафақат Марсни, балки баъзи астероидларни ҳам ўзлаштиришни бошлаб юбориши мумкин, деди Д.Голдин.

МУЗЕЙЛАР ОЛАМИДА

Дунёнинг энг қадимий музейи 1679 йилда қурилган Эшмошан музейи (Оксфорд) ҳисобланади. Жаҳондаги энг улкан музей эса Нью-Йоркдаги табиат музейи бўлиб, унинг умумий майдони 93081 м² га тенг ва у 19 та бинодан иборатдир.

Танловлардан муваффақиятли ўтган йигит-қизларимиз хорижий давлатларга Ўзбекистоннинг, халқимизнинг ҳақиқий кўзгулари бўлиб борадилар.

Энг аввало, таълим жараёнида компьютерлар ва телекоммуникация воситаларининг қўлланилиши, талабаларнинг улар билан бемалол ишлай олишлари педагогик жараёндаги энг муҳим камчиликлардан ҳисобланган субъективизмни чеклайди.

XXI АСР: АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ИНСОН ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ши, халқ хўжалигининг барча тармоқларида турли хил ахборотларга нисбатан эҳтиёжнинг ортиб бориши билан изоҳланади.

Бугун биз бир нарсани аниқ тасаввур қилишимиз керак: мавжуд ҳолат, ахборотлар оқимининг тиғизлашуви инсон хотирасига ортиқча юк, шахснинг тафаккури ва фикр юритиши жараёнларида кескин ўзгаришларга сабаб бўлмайдими? Онгга етиб келаётган ахборотлар оқими шахснинг мавжуд маданий-маърифий муҳитдаги мослашуви жараёнида қай тарзда акс этишини билишимиз ва шунга мос тарзда таълим-тарбия муассасаларида ўқув дастурлари ва жиҳозларига нисбатан талабларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Шу ўринда биз ахборот технологияларини таълим жараёнига сингдиришнинг афзалликларини эътироф этишни хоҳлардик. Энг аввало, таълим жараёнида компьютерлар ва телекоммуникация воситаларининг қўлланилиши, талабаларнинг улар билан бемалол ишлай олишлари педагогик жараёндаги энг муҳим камчиликлардан ҳисобланган субъективизмни чеклайди. Масалан, агар талабанинг жавоби ёки бевосита ўзлаштиришини баҳолаш ўқитувчининг талаба шахсига муносабати таъсирида кечган бўлса, машиналар воситасида берилади маълумотлар объектив характерга эга бўлади.

Иккинчидан, компьютер орқали болага етказилаётган маълумотни зарурат бўлса, қайта-қайта чақириш ва такрорлаш имконияти ҳам бор. Бу нарса айрим талабаларда, гуруҳ шароитида ишлаганда кузатиладиган ийманиш каби сифатнинг намоён бўлмаслигини таъминлайди.

Учинчидан, ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўзига хос дарсни тушунтириш услуби — дидактик услуби мумкин.

Бешинчидан, ушбу ахборот воситаларидаги маълумотларни кичик ҳажмли дискетларга ёзиб олиш, керак жойда улардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайдики, иқтисодий жиҳатдан юзлаб тиражларда чоп этилаётган китоблардан арзонга тушади. Энг муҳими, манфаатдор аудитория хоҳлаган маълумотини бир хил сифат ва тезликда олиши мумкин бўлади.

Ниҳоят, улар ахборот мавжуд. Компьютер орқали ёки масофали алоқа воситаларидан фойдаланиш улар ичидаги самарасиз услубиётларга барҳам беради. Чунки бир ўқитувчининг тушунтириш йўли ҳамма талабага ҳар доим ҳам бирдай тушунарли бўлавермайди.

Тўртинчидан, янгича ахборотларни узатиш технологиялари тиғизлаштирилган билимларни ўзида ифода этиб, унда схемалар, расмлар, жадваллар, график ва диаграммаларга кенг ўрин берилади. Бу нарса ёшларда образли хотирани анча жонлантириб, эслаб қолиш қобилиятини кучайтириши асри деб эътироф этилаётган янги асрда яшаб, ижод қилувчи ёшларнинг онгини ўстиради, улардаги техник воситалардан чўчиш ҳиссини йўқотади. Хуллас, таълим муассасаларининг бу нарсага сарфлаган маблағлари беҳуда кетмаслиги эҳтимолдан холи эмас.

Демак, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да педагогик технологияларнинг самарадорлигини яна ҳам ошириш, педагогнинг касб маҳорати ва мураббийлик санъатини ривожлантиришга алоҳида урғу берилганлигини, ўқитувчидан ҳар бир дарсда ижодкорлик сифатлари талаб этилишини инобатга олсак, масаланинг яна бир қирраси очилади. Бу ана шундай лаёқатли ва маҳоратли педагог янгича ахборотлар технологиясини ўз фаолиятида қанчалик самарали ишлата олади, деган масаладир. Ўз навбатида, бу педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимида янги ахборот технологияларига уларни ўргатишни ҳамда жаҳон фани ва таълимининг энг илғор ютуқларидан бохабар бўлган малакали мутахассисларни жалб этишни талаб қилади.

Давр тақозо этаётган бу каби муаммолар олий мактабгача бўлган узлуксиз таълим жараёнида ўқувчи-ёшларнинг янгича технологиялар билан таниш, уларнинг информатика, кибернетика асослари бўйича етарли билим ҳамда малакаларга эга бўлишларини талаб қилади.

Ҳозирги кунда, янги ахборот технологиялари билан шуғулланаётган олимлар бу тизим шахснинг ижтимоийлашуви, унинг жамиятда содир бўлаётган глобал ижтимоий жараёнлар таъсирини онги ва қалбига сингдиришда катта аҳамиятга эга бўлаётганини эътироф этишмоқда. Бу нарса ўқувчининг билим савиясини ошириш орқали унда шаклланадиган шахсий фазилатлар билан изоҳланмоқда. Бу — биз учун ҳам аҳамиятли ва эътиборталаб омил.

Лекин юқори технологиялар, халқаро ахборот алмашинуви, "Internet" тизими каби воситалар орқали информацион "айғоқчилик", сиёсий "терроризм", диний мутаассибчиликни тарғиб этиш, порнография каби салбий ахборотларни тарғиб этувчи маълумотларнинг ҳам ўтиб кетиши мумкинлиги хавфидан кўзни юмолмаймиз. Бу халқаро алоқа воситаларидан келаётган ахборотларга нисбатан муайян маданий-маънавий информацион ҳимоя, саралов бўлиши лозимлигини тақозо этади. Агар биз ҳар бир ёш қалбида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат, пок иймон ва одамгарчиликни тарбиялай олсак, улар халқаро ахборот тизимлари орқали бизнинг фикрлаш тарзимиз, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизга зид бўлган маълумотларни танқидсиз қабул қилмайдиган, юртимиз истиқболига хизмат этадиганларинигина саралаб олиш қобилиятига эга бўладилар. Бунинг учун биз ёшларимизда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганлардек, мафкуравий иммунитетни тарбиялашимиз керак.

Саидахрор ҒУЛОМОВ, академик,
Васила КАРИМОВА, профессор

«ФИДОЙИЛАР КЕРАК БИЗГА, ФИДОЙИЛАР!..»

(Давоми. Боши 1-бетда)

жанг ва Жалолиддин Мангуберди жасорати ҳақида сўз юритилганда, албатта, Чингизхоннинг Жалолиддин жасоратига қойил қолгани ва ўзи жангдан зўрға қочиб қолиш воқеаси ҳикоя қилиниши ҳамда Юртбошимиз ташаббуси билан 1999 йили Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги бежиз нишонланмагани айтиб ўтилиши ҳам муҳимдир. Зотан, Ватанни қўриқлагувчи ўғлонлар жасорати ҳеч қачон унутилмайди ва бундай қаҳрамонлар фидойилиги ўзлигимизни янада чуқурроқ англашга ёрдам беради.

"Ватан севмоқ фарздир" бўлимида фидойилик, бурч ва масъулият тушунчалари ҳақида батафсил фикр юритилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Фуқаролар бурчлари" (XI боб)га кенг тўхталинади. Мавзу ғояси эса муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг фидойи ва огоҳ бўлиш хусусида билдирган фикрлари билан бойитилади ва ўқувчилар баҳс-мунозарага жалб қилинади. Ватан мавзуига бағишланган шеър, мақол ва ҳикматлар айтилади. Жараёнда фаол ўқувчилар муносиб баҳолаб борилади.

Мунозаралар сўнггида ўғил-қизларга Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг "Фидойилар" шеъри ўқиб берилади:

... Юрт ишқида ёнмас юрак — юрак эмас,
Юрт қадрини билмаганлар керак эмас.
Эркка сажда қилмаганлар керак эмас —
Фидойилар керак бизга, фидойилар...

Шу аснода тарих ва адабиёт фани уйғунлашгани, умуман фанларнинг бир-бирига алоқадорлиги хусусида бир оз гапириб ўтиш жоиз. Шунингдек, шеър мазмунидаги Ватан, жон, эрк, номус, руҳ, наъра, юрак, юрт ишқи, қадр, эгилмаган бош, ният, нур, озод ўлка каби тушунча ва иборалар батафсил шарҳланса ва ўғил-қизлар онг-шуурига етказилса, дарсдан кўзланган ҳам таълимий, ҳам тарбиявий мақсадга тўла эришилади. Дарс якунида ўқувчиларга уй вазифалари берилади ва уларга қўшимча адабиётлар ўқиб келиш топширилади.

Аслида ноанъанавий машғулотлар, ижодий дарслар ўқиш жараёнига ўзгача таъсир кўрсатиши билан бошқа машғулотлардан ажралиб туради. Янгиликлар дарсларга ўзгача кайфият бағишлайди, ўқувчиларнинг руҳияти юксалади. Бундай дарслардан ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам ниҳоятда тўлқинланиши шубҳасиздир. Чунончи, ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳайратланишларидан кейинги дарсга янада пухта тайёргарлик кўришни ният қилса, ўз навбатида ўқувчи ўқитувчиси билимдонлигидан фахрланиб, ўзи дарсга мустақил тайёргарлик кўради, изланади... Хуллас, 17 йиллик иш фаолиятимда худди шу йўсинда ўқувчи ва ўқитувчининг дарс жараёнида бир-бирларини англаб боришларига, бир-бирларига холис ва кўп хайрихоҳ бўлишларига ишонч ҳосил қилдим.

Салима МАҲМУДОВА,
Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 46-мактабнинг олий тоифали тарих фани ўқитувчиси

«УМИД» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН ХОРИЖГА

Республика Бизнес-молия академиясида "Умид" жамғармасининг маънавият ва маърифат йўналиши бўйича навбатдаги танлови ўтказилди.

— Эртанги ёруғ кун учун бугун пойдевор қўйилади, — деди "Умид" жамғармаси раиси Музаффар Зиёев "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ҳар йили жамғармамиз томонидан ўтказилиб келинаётган танловлар талабгор ёшларимизнинг билим даражаларини аниқлаш билан бирга уларни илм йўлларида тобламоқда. Ёшларимиз етук ва комил инсон бўлиш учун фақат ўқиш, уқиш, изланиш зарур эканлигини англаб етмоқдалар.

М.Зиёевнинг таъкидлашича, учинчи босқичга чет тилини яхши биладиган энг иқтидорли ёшлар танлаб олинган. Танловда иштирок этиш учун дастлаб 506 ариза тушган бўлса, шулардан 164 нафари танлаб олинди. Учинчи босқичга келиб эса уларнинг сони 80 нафарни ташкил этмоқда. Билимга чанқоқ ёшлардан 25 фоизи пойтахт олий ўқув юртларининг ҳиссасига тўғри келади. 14 фоизи Наманган, 13 фоизи Фарғона, 6,5 фоизи Андижон вилоятлари ўқув даргоҳларига тўғри келмоқда. Сирдарё вилоятидан бирорта ҳам талаба танловда иштирок этмаяпти.

— Мазкур танловдан олдин талабгор эътиборига 600 дан зиёд саволлар ҳавола қилинганди, — деди "Маънавият ва маърифат" йўналиши бўйича ўтказилаётган танлов комиссияси раиси Аслиддин Болиев. — Ўтмиш тарихимиз, бой маънавий меросимиз, мустақиллик йилларида Ватанимизда бўлаётган буюк ўзгаришлар, маънавий қадриятлар ва истиқлол ғояларини қамраб олган саволлар республикамизнинг кўзга кўринган олим, ёзувчи ва шоирлари томонидан тузилганди. Шулардан энг муҳим 350 та савол бугун ёшлар ҳукмига ҳавола этилган.

Танлов комиссияси 25 кишидан иборат бўлиб, унга элимизнинг кўзга кўринган ижодкорлари, бугунги маънавиятимиз билимдонлари киритилган. Ишонаманки, танловлардан муваффақиятли ўтган йигит-қизларимиз хорижий давлатларга Ўзбекистоннинг, халқимизнинг ҳақиқий кўзгулари бўлиб борадилар. Уларнинг билим даражаси тарихда жаҳонга довруг солган ота-боболаримизга муносиб издошлар етишиб келаётганидан дарак бераётир. Улар биз кутаётган янада ёруғ кунларнинг умид чечакларидир.

Танловда иштирок этаётган Тошкент молия институти 4-босқич толиби Элдор Ашуров синовнинг ниҳоятда ҳаяжонли ўтаётганлигини таъкидлади. Юртимизнинг машҳур зиёлиларининг саволларига муносиб жавоб бера олиш, албатта, мушкул. Улар ёшларнинг илк каломидан юракларида қандай орзу-умидлар борлигини пайқаб оладилар. "Умид" танловига фақат хорижий давлатларга чиқишни кўзлаб ҳаракат қилаётган айрим ёшларимиз ҳам йўқ эмас. Танлов иштирокчиларининг ижод кишилари синовидан ўтаётганлиги бундай ҳолларнинг олдини олиши, шубҳасиз.

Танловнинг тўртинчи босқичи Франция элчихонаси билан ҳамкорликда фан соҳалари бўйича ўтказилади. Охирги босқичдан муваффақият билан ўтган ёшларимиз жаҳоннинг энг ривожланган АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада каби мамлакатларида таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

"Туркистон-пресс"



Ҳар қандай турдаги меҳнат тажриба асосида олиб борилади, тажрибали мутахассис фаолиятига суянилади. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 1-мактаб жамоаси орасида кўп йиллик меҳнат фаолиятига эга, тажрибали мураббий Ўктам Таваккаловнинг ўз ўрни бор. Ёшларга "Иқтисодиёт ва бизнес асослари" фанидан ноанъанавий, янги педагогик технология асосида дарс берадиган мураббийдан шо-гирдлари мамнун. Шогирдлари орасида устозидек ўқитувчи бўлишни ниятлаганлари ҳам кўп.

Суратда: Ў.Таваккалов ўқувчиларга янги мавзу бўйича тушунтириш бермоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат

ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишланган янги экспозиция ташкил этилмоқда. Унда мамлакатимизнинг ўтган йиллар мобайнида босиб ўтган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаёт йўли ўз аксини топади.

— Албатта, ўн йил халқимизнинг узоқ ўтмишига бориб тақалувчи кўҳна тарихи олдида ғоят қисқа муддат, — деди Ўзбекистон музейининг қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи бўлими мудири Жаннат Исмоилова "Туркистон-пресс" мухбирига. — Лекин унинг ҳаётимиздаги ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам музей ходимлари янги экспозицияда бу даврни тўлақонли ва ҳаққоний акс эттиришни мақсад қилиб олганлар.

У кишининг таъкидлашларича, музей мамлакатимизга дунёнинг турли жойларидан ҳар куни ташриф буюраётган меҳмонлар, сайёҳлар кўз ўнгида халқимиз тарихини яхлит бир бутунликда намоён этиш воситаси бўлиш билангина чекланмайди. У ёшларимизнинг тафаккур дунёсини шакллантишига, миллий анъаналаримиз руҳида тарбия топишига хизмат қилувчи маскан ҳамдир. Шунинг учун ҳам экспозициянинг назарий асоси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. У беш бўлимдан иборат бўлиб, Ўзбекистонда демократик жамият ташкил этилишидан тортиб, юртимизда бозор муносабатларининг шакллашишигача, маънавий қадриятларимиз ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши, фан, маориф, маданият, тиббиёт ва спорт соҳаларидаги ислоҳотларни ҳам қамраб олган.

Музей ходимлари ҳозирги кунда тарихимизнинг бағоят қимматли бўлган турли (масалан, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқалари тарихи) лаҳзаларини акс эттирувчи маълумотлар ва экспонатлар йиғиш устида изланишлар олиб бормоқдалар. Экспозиция мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланадиган улуғ кун — биринчи сентябрда очилиши режалаштириляпти.

"Туркистон-пресс"

БИЗ ВА БОШ ҚОМУС

Халқимиз ҳаётида Ўзбекистон Конституциясининг ўрни ва аҳамияти, маъно ва мазмуни беқиёс. Бош Қонунни ўрганиш ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини оширади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш учун Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги мактаблар, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларда дарсларда, дарсдан бўш вақтларда ёшлар ўртасида турли хил тадбирлар уюштирилмоқда. Бу ишга, энг аввало, уруш ва меҳнат фахрийлари, журналистлар, ижодкор ўқитувчилар жалб этилган. Ҳафтанинг ҳар жума куни мактабларда Бош қомусни ўрганиш куни деб эълон қилинган. Бу иш тумандаги 1, 2, 3, 7, 8, 12, 17, 28-мактабларда ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида намунали йўлга қўйилганлиги билан ажралиб туради. Айниқса, ижодкор ўқитувчи Роза Караеванинг 3-мактабда 11-синф ўқувчилари билан ўтказган "Мен ва Бош қомус" мавзусидаги кўргазмали дарси тумандаги ўқитувчиларда яхши таассурот қолдирди.

Анвар ЖАВЛОНОВ, Оқолтин тумани

Jarayon

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ДАВОМ ЭТАДИ

Олий ўқув юртлари ҳаётида муҳим босқич— қишки семестр бошланди. Талабанинг маълум вақт мобайнида эгаллаган билими ҳақида хулоса берувчи бу давр қанчалик қисқа бўлмасин, унда катта мазмун ва мақсад ётади.

Мухбиримизга бу жараён ҳақида Тошкент Давлат авиация институти умумтехника фанлари факультети декани муовини Мансур Йўлдошев қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўтган ҳафтанинг дастлабки кунлариданоқ, факультетимизда якуний рейтинг бошланди. Талабалар жорий, оралиқ назоратларда ўзларини синаб кўриб, якуний босқичга етиб келдилар.

"Беш қўл баравар эмас" деганларидек, талабаларнинг билим олишга интилиши ва ўқув жараёнидаги иштироки ҳам турлича. Белгиланган максимал баллар дарс соатлари миқдоридагидек. Якуний рейтинг бошланишидан аввал барча фанлар бўйича керакли қоғозлар компьютердан чиқарилиб, профессор ҳамда ўқитувчиларга тар-қатилди. 42 та гуруҳга уюшган 1-2 курс талабалари ўқув режасидаги 10-12 та фан бўйича ўз якуний назоратларини топширишлари керак. Ҳозирга қадар ижтимоий-гуманитар фанлар—"Диншунослик", "Ўзбекистон тарихи", "Маънавият ва маърифат асослари" дан талабаларимиз якуний назорат топшириб бўлишди. Ўзбек тили ҳамда инглиз, рус тиллари, шунингдек, мутахассисликни эгаллашда жуда асқотадиган "Олий математика", "Чизма геометрия" фанларидан синов ва имтиҳонлар давом этаяпти.

Талабанинг рейтинг кўрсаткичларини аниқлашда ёзма иш алоҳида босқич ҳисобланади. Бундай тажриба Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига асосан, ўтган 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб жорий этилди. Айрим олий ўқув даргоҳларида тажриба-синов тариқасида ўтказилган ёзма ишлар бу босқич жуда зарурий эканлигини кўрсатди. Чунки талабанинг оғзаки билим даражаси ёзма саводхонлиги билан узвий боғлиқ бўлиши керак. Қолаверса, ёзма синовлар унинг хотирасида узоқ вақт сақланади.

Вазирлик томонидан берилган кўрсатмага мувофиқ, белгиланган балларнинг 30 фоизи ёзма иш учун қолдирилади. Ва бундан ўқув йилининг бошидаёқ ҳар бир талаба огоҳ этилади. Таълим тизимидаги билимни рейтинг бали билан баҳоланишидан хабардор талаба ўқув йилининг аввалиданоқ бунга киришади.

Хўш, ёзма иш қай тартибда ўтказилади? Аввало ёзма саводхонликни текшириш барча фанлар учун бирдек тааллуқли эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Оғзаки якуний назоратдан ўтиб бўлган талабалар кейинги босқичда битта хонага йиғилиб, вариантли ишланмалар улар ҳукмига ҳавола қилинади. Махсус тузилган комиссия талабаларга муҳрланган дафтар ва титул варақаларини тарқатиб чиқади. Бирорта вариантни танлаган талаба шошмай топшириқни бажаради. Сўнгра унинг ёзма иши ўз ўқитувчиси томонидан эмас, балки холис, бошқа киши томонидан текшириб чиқилади. Нимага деганда, талаба билимини холис баҳолаш ҳар жиҳатдан зарур.

Айрим ҳолларда, баъзи талабаларнинг дарсга тўлиқ қатнашмаганлиги кузатилади. Бу, ўз навбатида, унинг рейтинг кўрсаткичларига салбий таъсир қилади. Агар талаба 20 соатдан зиёд дарс қолдирган бўлса, бунинг сабаблари ўрганилади. Агар у бетоб бўлиб қолса ёки оилавий шароитга кўра дарсга қатнашаолмаган бўлса, тушунтириш хати олиниб, қолдирилган дарс соатларини ўзлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

Tajriba

МАТЕМАТИКАНИНГ ФОЙДАСИНИ ҲАММА БИЛАДИМИ?

Математика фанларнинг етакчисидир. Бу сўзнинг қанчалик тўғри эканлигини ҳаёт кўрсатяпти. Чунки, ҳозирги техника, кибернетика ривожланган асримизда математика кириб келмаган соҳанинг ўзи йўқ. Кимё, физика, медицинани математикасиз тасаввур этиш қийин. Бу фикрни ҳар бир дарсда ўқувчилар онгига сингдира бориш керак. Бола ёшлигидан боғчада, уйда ҳар хил ўйинчоқлар ўйнайди. Мактабга келганда эса ўша ўйинчоқларнинг шаклига яна дуч келади. Бола бошланғич синфларда математикани дидактик ўйинлар ёрдамида ўрганса, хотирасида тез сақланиб қолади ва унда бошланғич математик билимлар, тушунчалар шакллана бошлайди. Ўқувчи асосан амалларни ечиш тартибини билиши зарур.

I - босқич — қўшиш ва айириш. II - босқич — кўпайтириш ва бўлиш, кейин қавслар билан ишлашни ўрганишади. 5-синф ва юқори синфларга ўтгач эса III - босқич — амални даражага кўтариш, касрларни ўргата бошлаймиз. Ўқувчи бу даврга асосан каррани, та ортиқ деганда қўшишни, та кам деганда айиришни, марта ортиқ — кўпайтириш ва марта кам — бўлишни билиши керак. Юқори синфдаги мавзулар, масала, мисоллар ечиш, тенгламалар ечиш худди шу нарсаларга асосланади. Мен дарс вақтида шундай деб айтаман: "Ҳаммаларингдан, албатта, математик ёки фан арбоби чиқмасин, бирингиз чевар, бирингиз ошпаз, косиб, дурадгор уста, ҳамшира бўлинг, ҳаммасига математика керак. Қилаётган ишингиз ўлчови тўғри олинса сиз ўз касбингизнинг устасисиз, сизга буюртма оқиб келаверади. Шогирдларингиз ҳам кўпаяди, эл орасида обрўйингиз ошади". Бу нарса дарс давомида ўқувчиларни касбга йўналтириш, қизиқтиришга ёрдам беради. Ҳозирги замон педагогик технологиясига асосланган дарс усуллари хилма-хилдир. Улар ичида муаммоли таълим, суҳбат, мунозарали ёки аралаш дарслардан фойдаланиш мумкин. Мунозарали деганда савол-жавоб усулидан фойдаланамиз. Бир-бирига савол бериб, билмаса, ўзи айтиб бериши, жавобда бири иккинчисининг жавобини тўлдириши ҳам ўқувчиларни математикага бўлган қизиқишини орттиради. Ҳар хил тест саволлари, суҳбат усули, ҳар хил математик ўйинлар, қизиқарли қисқа масалаларни дарс орасида бериб бориш ҳам ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиради. Янги мавзуни тушунтиргандан кейин бирор мисол бериб, доскадан аввал ким тез, тўғри ишлаб келса, (3 та ёки 5 та) баҳоланади. Уларнинг баҳоси бир балл юқори бўлади. Бу эса ўқувчининг янада қизиқиб, дарсларни яхши ўзлаштиришига асос бўлади. Ҳозир ўқувчилар билими рейтинг тизимида баҳоланаяпти. Бунда ўқувчилар ҳар кунги дарсларда, яъни жорий назоратда 5 балл, оралиқ назоратда эса 10 балл тўплайди. Дарс давомида кичик тест саволлари, қизиқарли саволлар бериш ҳам ўқувчиларнинг қизиқиб балл тўплашларида ёрдам беради. Алгебрадан бир чорақда 75 балл, геометриядан эса 50 балл тўплаши керак.

Дарс давомида ўқувчиларни она-Ватанга, ота-онага, атрофдаги табиатга, она тупроққа меҳрини ўстиришга ҳаракат қиламан.

Шунингдек, республика, вилоятимиз, шаҳримиздаги янгиликлар, хориж хабарлари билан ҳам таништириб бораман. Улардан келгусида баркамол инсонлар етишиб чиқса, нафақат ўқитувчилар ёки мактабнинг, балки мамлакат ютуғи бўлади бу. Ҳар қандай ютуқ эса кишида фахр туйғусини уйғотади.

Маъмура ХЎЖАЕВА, Андижон шаҳридаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси

O'lkamizni o'rganamiz!

ҚАДИМИЙ НОМЛАР

Азим шаҳримиз Тошкентда қадимий тарихга эга бўлган кўпгина жойлар бор. Афсуски, кўпчилик ёшлар ўзлари туғилиб ўсган жойлар номлари қандай келиб чиққанлигини билмайдилар. Шу сабабли, муштарийларимизни қадимий жой номларидан бири билан таништириб ўтмоқчимиз.

Шаҳримизнинг қадимий Эски шаҳар ҳудудида, Собир Раҳимов тумани Қорасарой кўчасининг ўрта қисмида "Қумлоқ" маҳалласи жойлашган. Бу маҳалла Қорасарой кўчаси бўйлаб 1,5 км масофага чўзилган. Жануб томондан "Кайковус" канали, шимол томондан Зиёвуддин Бобохонов кўчаси, ғарб томондан Тўмарис кўчасининг бир қисми, шарқ томондан қумлоқликларнинг зиёратгоҳига айланган "Кўктулла ота мақбараси" жойлашган майдон шу маҳалла таркибига киради. "Қумлоқ" атамаси қумлик жой ёки макон деган маънони англатади.

Қадимда бу жойлар жарликлардан иборат бўлган бўлиб, жарлик сойларидан қумлик лойқа сувлар оқиб келиб, бу жарликлар тўла бошлаган. Биз шу маҳаллада туғилиб ўсган Акромхўжа ота Ёқубхўжаев ва Фатҳиддинхўжа ота Хусомиддиновлар билан суҳбатлашганимизда, Себзор даҳаси аҳолиси бу жарликлар устини тупроқ билан тўлдириб, иморатлар қурганликларини билиб олдик. Қумлоқликлар асосан деҳқончилик, косибчилик, баққолчилик ва қассобчилик билан шуғулланганлар. Маҳаллада истиқомат қилувчилар учун бу ерлар шаҳар ҳовли ҳисобланиб, ички ва ташқи ҳовлилардан иборат бўлган. Маҳалла аҳлининг боғлари ва экинзорлари ҳозирги Ҳусниддин Асомов кўчасидан то Ҳасанбойгача бориб тақалган. Маҳаллада биз таниган ва халққа жонкуяр бўлган элликбоши Миракбар ҳожи эдилар, дейди суҳбатда отахонлардан бири.

20-йилларгача "Қумлоқ" маҳалласининг асосий кўчаси — Қорасарой тупроқли бўлган. 20-йиллардан кейин тош ётқизилган. Ушбу маҳалланинг гавжум ери азалдан ҳозирги кичик бозорча ўрнида бўлган. Ўтмишда, ҳозирги сабзавот дўкони жойлашган ерда икки тошли тегирмон бўлиб, унда қумлоқликлар ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлган Холмат ота тегирмончилик қилган. Тегирмон билан Кайковус канали ўртасидаги дўнгликда, ҳозирги дорихона ўрнида маҳалла масжиди бўлган. Донғи бутун Тошкентга кетган ошпаз Тўхта ота ҳам "Кайковус" канали бўйида истиқомат қилганлар. Қумлоқ ва Кадиобод маҳаллалари кесишган ерда Исова деган одамнинг уйи бўлиб, бу уйда севимли шоиримиз Ғафур Ғулом 1925 йилларда истиқомат қилганлар. Бу уй ҳозир ҳам бор. Кўктулла ота мақбарасининг икки маҳалла ўртасида бунёд этилишининг сабаби, ҳозирги Бароқхон мадрасаси жойлашган ерда ислом динининг таниқли раҳнамоларидан бўлган Хастимом ота истиқомат қилганлар. Кўктулла ота мана шу кишиларнинг юмушларини ҳалоллик билан бажариб келганлар. Шунинг учун ҳам миннатдорчилик сифатида Кўктулла отани шу ерга, Кайковус ариғи ёнидаги сўлим гўшага дафн этганлар. Бу гўшадан ўтган ёшу қари қўлини дуога очиб, фотиҳа ўқиб ўтишади.

Азиз муштарий! Ҳаммамиз ҳам ота-боболаримиз қадамжолари бўлмиш табаррук жойларни зиёрат қилиб, уларнинг келиб чиқиш тарихини ўргансак, фойдадан холи бўлмас, деган умиддаман.

Муниса НИШОНОВА,
Юнусобод туманидаги
21-ўрта мактабнинг
11-синф ўқувчиси

Munozara uchun mavzu

БИР-БИРИНГИЗНИ ТУШУНИБ ЯШАНГ

ЁХУД МАКТАБДАН «ҲАЙДАЛГАН» БОЛА ҚАЕРГА БОРАДИ?

Ҳурматли мураббийлар ва ушбу газетани қўлларига олиб кўз югуртираётган ота-оналар! Мен яқинда мактаб ҳаётида учраб турадиган бир оддий, лекин долзарб муаммонинг гувоҳи бўлдим. Бундан жуда таъсирландим. Чунки ушбу муаммо бир инсоннинг — эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўсмирнинг ҳаёт-мамотини, тақдирини ҳал қилиб юбориши мумкин эди.

4-синфда ўқийдиган ўғлимнинг мактаб бўйича умумий мажлисига бордим. Мажлисни директор, юқори синф ўқитувчиларидан ташқари, маҳалла оқсоқоли ва фаоллари, милиция нозири ҳамда поликлиникамиз врачи олиб борди. Унда одоб-ахлоқ, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда ҳозирги вақтда бутун жаҳон бўйича муаммо бўлиб қолган гиёҳвандлик, ОИТС касаллиги ҳақида тушунтириш олиб борилди. Бу ҳақда ота-оналар, ўқитувчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Мажлис сўнгида юқори синф ўқитувчиларига ҳам сўз берилди (ота-оналардан ташқари мактаб ўқувчилари ҳам бор эдилар). Мураббийлари уларнинг ўқишлари, интизомлари ҳақида гапириб ўтдилар. Бир пайт бир ўрта ёшлар атрофидаги ўқитувчи сўзга чиқиб, бу мактабга яқинда келганлигини ҳамда бу мактабга келиб жуда хато қилганини, жуда афсусдалигини билдириб, гапини бошлади. Унинг таъкидлашича, қуюнишларига, афсус-надоматларига ўзи раҳбарлик қилаётган синфдаги бир ўсмир бола сабабчи эмиш.

— У мени ҳақоратлайди, назарига илмайди, — деб ўқувчининг салбий «хислат»ларини санай кетди. — Аввалambор, унинг ота-онасини тарбиялаш керак.

Шу пайт ўқувчи бир нарса деб гап ташлади, яхши илғай олмадим.

— Менга гап қайтарма! Нима учун онанг мажлисга келмади?

— Ойимнинг мазалари йўқ! — ўқитувчи қандай муомала қилса ўқувчи ҳам шундай оҳангда гап қайтара бошлади.

— Нима, сенинг онанг касал бўлса, мен соғманми? Анави куни уйингга борганимда онанг менга дўқ қилиб гапирди. Ота-онангга айтиб қўйгин, хўрлашга ҳаққи йўқ. Ўша куни онанг "Боламни бошқа мактабга олиб кетаман" деганди-ку, нега қорасини кўрсатмаяпти? — деб баттар ўқувчисининг ғашига тега бошлади.

— Ҳужжатимни беринг, бугуноқ кетаман, бошқа мактабга ўтаман, — деди у ҳам қайсарлик билан.

— Сени у мактабга ҳам олишмайди?

— Олишади, — деди ўсмир алам билан.

Ўқитувчи тинмай унга кесатар, ўсмир ҳам ғурури қўзиб гап қайтарар, ҳамманинг диққат-эътибори уларда эди.

— Қани, чиқ ўртага, ҳамма турқингни кўриб қўйсин.

Ўсмир индамай ўртага чиқди. Кўриниши туппа-тузук, кийимидан ўзига тўқ оиланинг фарзанди эканлиги кўриниб турибди. Аммо кўзлари жуда маъюс, нимадандир алами борлиги, безовталиги яққол кўриниб турарди. У икки қўлини орқасига қилиб олди. Аввалига қизарди, сўнг кўзига жиққа ёш тўлиб овоз чиқармай йиғлаб юборди. Унинг ҳолатини кўриб кўз олдимга ўзимнинг ўғлимни келтирдим, жуда эзилиб кетдим.

— Сен икки дунёда ҳам одам бўлмайсан. Қуш уясида кўрганини қилади.

Мен ўсмир ҳозир жаҳл билан залдан чопиб чиқиб кетса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, у бошини қуйи эгганча кўз ёшларини артиб синфдошлари ёнига бориб ўтирди. Шунда мен чидаб туролмадим.

—Илтимос, шу болага бир ой муҳлат беринг. Қаранглар, йиғлаб юборди, демак уни тарбияласа бўлади, ҳали яхши бўлиб кетади. Ҳурматли ота-оналар, ўқитувчилар, безори бўлса ҳам йиғлаб юборди-ку, демак, унинг юраги бутунлай совимагандир, учқун бўлса ҳам ёниб турибди-ку. Келинглар, мактабдан ҳайдаманглар. Агар сизлар уни бу қалтис йўлдан олиб қолмасангиз, яна ҳам тарбияси бузилиб кетади, инсонларга ишонмай қўяди. Синглим, ҳафа бўлманг-ку, сиз ҳали ёш экансиз. Шунинг учун нотўғри фикрлаяпсиз. Бу бола шунча гапларни эшитиб ҳам ўтирганларни оёқ ости қилиб чиқиб кетмади-ку, аксинча бошини эгиб зора менга бирон яхши гап айтишар, деган илинжда ўтирибди-ку. Демак, шу мактабга озгина бўлса ҳам меҳри бор эканки, кўзи қиймай кетолмай ўтирибди.

Ушбу ҳақиқат синф раҳбарига таъсир қилиб кетди шекилли, ўрнидан турдида қатъий оҳангда ўзича ҳукм чиқарди:

— Бугундан бошлаб қарорим қатъий. Ёки у кетади мактабдан, ёки мен, — деди.

— Азиз ота-оналар, педагоглар! Синф раҳбарини ҳам тушунаман, унга ҳам жуда қийин. Ўқувчиси шунчалик безорилигидан тўйдириб юборгандир. Лекин бу билан ўқувчининг мактабдан кетишига бориб етмаслик керак. Ўқитувчи билим берибгина қолмай, ҳар бир боланинг психологиясини чуқур ўрганиши, шунга қараб муомала қилиши шарт. Бекорга қадимгилар "Яхши гапга илон инидан чиқади" дейишмаган. Бунинг устига ўсмир балоғат ёшидалигини ҳисобга олиш ҳам жуда муҳим. Шундай мажорага тушиб қолган ўсмир икки йўл ўртасида қолади. Ўзининг айбини билса-да, ғурури кечирим сўрашга йўл бермайди. Шундай пайтда ўқитувчилар ўз тажрибаларини, психологик билимларини, қолаверса, оналик меҳрларини унутиб қўймасликлари зарур. Устозлар ҳам ўз ўқувчиларини фарзандларидек кўрсалар, ҳар қандай безори, тарбия-сиз ўқувчида устозга нисбатан меҳр пайдо бўлади. Меҳр бор жойда нафрат, ўч олиш каби иллатлар чекинади. Синф раҳбари билан ота-онаси келишмаса, ўртада ўқувчи бечора ўзини қандай тутиши керак. Майли, бошқа мактабга ҳам кетар, лекин юрагининг бир четида ўкинч билан кетмайдими? Келажакда қандай инсон бўлиб етишади. Ўқитувчи ҳам, ота-она ҳам гина-кудуратни унутиб, бу муаммони яхшилаб ўйлаб кўришлари керак.

Бу гаплардан кейин ўқитувчи бироз юмшади ва бироз ўйлаб кўришини айтди.

Ҳурматли ўқитувчи, айтинг-чи, синф раҳбари минг хўрланган тақдирда ҳам "Ёки у кетсин мактабдан ёки мен кетаман" деган гапларига қандай фикр билдирасиз? Мактаб бўйича энг безори, энг тўполончи, номи ёмонотлиққа чиққан ўсмирнинг кўзидаги тўла ёшлари ҳали унинг қалбида болаларча беғуборлик, эркалик борлигидан далолат эмасми?

Келинглар, атрофингизда, мактабингизда шундай ўқувчилар бўлса, ўзингиздан соқит қилишга уринманг-да, бир ёқадан бош чиқариб, тўғри йўлга солишга ҳаракат қилинг!

Раъно МАҲМУДОВА

БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Malaka oshirish

Яқинда А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ да 36 соатдан иборат "Йўл ҳаракати қоидалари"га оид 5 кунлик махсус курс ташкил этилди. Бунда республикамизнинг барча вилоятларидан вакиллар қатнашди. Курс раҳбари Санжар Мирсолиҳов "Йўл ҳаракати қоидалари"га оид кўпгина маърузалар билан чиқиш қилди.

Тадбирнинг кейинги кунида ИИВ Бош бошқармаси ДАН ходими, капитан З.Саидалиев ва ХТВ маънавият ва қўшимча таълим бошқарма бошлиғи Ж.Фозилов тингловчилар билан суҳбат ўтказиб, уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб беришди. Капитан З.Саидалиевнинг берган маълумотларига кўра, 2000 йилда жами 10941 та автоҳалокат рўй берган. Бунинг натижасида 2128 нафар инсон ҳалок бўлиб, 11677 киши турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Энг ачинарлиси, улардан 2745 нафари мактаб ва боғча болаларидир. Шулардан 386 нафар бола бевақт ҳаётдан кўз юмган бўлса, 2480 нафари эса автоҳалокатга учраб, турли жароҳатлар олган.

Биз амалий машғулотларнинг бирида Республика травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида бўлиб, у ерда автоҳалокат натижасида тан жароҳатлари олган болалар билан суҳбатлашдик. Бу ҳақда шифокорларнинг фикрларини билганимизда, ўспиринлар ҳатто оддий ҳолларда ҳам бефарқликка йўл қўйиб ёки ҳушёрликни унутганликлари сабаб ўз соғлиқларига, оилаларига катта маънавий ва моддий зарар етказишганини афсус билан айтишди.

Ўтказилган амалий машғулотларнинг навбатдагиси А.Икромов туманида жойлашган, 296-мактабларда ва 506-болалар боғчаларида ҳам давом эттирилди.

Шу ўринда курсни ташкил этган институт раҳбариятига тингловчилар номидан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Курсда олган билимларимизни эндиликда амалда самарали қўллаймиз.

Н.НОСИРОВА,
Н.МАҲМУДОВА,
курс тингловчилари

Ўйинчоқлар болаларни фикрлашга, дунёни англашга ўргатиши лозим. Ҳамза туманидаги 135-болалар боғчаси тарбиячиси Мавжуда Азимова буни яхши биларди.

Суратда: М.Азимова машғулот ўтказмоқда.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

УЛКАН ИБРАТ

География фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳамидулла Ҳасановнинг "Сайёҳ олимлар" номли китобида шундай сўзлар бор: "Масъуд тахтга чиққандан кейин илм-фанга алоҳида эътибор бериб, унинг ижроси сифатида замондоши Абу Райҳон Беруний мояна тайинлаган. Шунингдек, Беруний ҳам Масъуднинг топшириғига биноан ўзининг шоҳ асари — астрономия ва география қомуси — "Қонуни Масъудий"ни ёзган.

Асар тугатилгач, муаллиф уни Масъудга буюк эҳтиром ила тортиқ қилади. Ундан ниҳоятда руҳланган Султон Берунийнинг уйига қоп-қоп кумушлар жўнатади. "Бу кумуш мени ишдан қўяди. Ақл эгалари биладиларки, кумуш кетади, илм қолади", дея барча зебу зийнатларни қайтаради.

Абу Райҳон қариган чоғида ҳам кечаю кундуз ижодда бўлган. Ёқут унинг кексалик ҳаётини бошқалардан айрича таърифлаб: "Бирор вақт ҳам қўли қаламсиз, кўзи назарсиз ва дили фикрсиз бўлмаган, тинчликни машаққатдан ва кундузни кечадан ажратмаган, шунингдек, у йилда фақат икки бор: Наврўз (мартдаги янги йил) ва Меҳржон (кузги ҳосил йиғини) кунларида тирикчилик учун етарли озиқ ва бир оз кийим-кечак жамғариб қўярди", деб ёзади.

Берунийнинг дўсти қози Исо Валволижий бир маҳаллар олим билан суҳбатлашганда, "Ал-Жаддот ас-фосида" ҳуқуқига — меросни тақсимлаш илмига доир бир масала хусусида гап очгану суҳбат қандайдир сабаб билан якунига етмаган. Орадан бир неча йил ўтгач, Исо Валволижий дўсти Берунийнинг ўлим тўшагида ётганлигини эшитиб, ундан ҳол-аҳвол сўрагани келади. Беруний оғир нафас олиши, кўкраги сиқилишига қарамай, дўстидан ўша масалани яна сўрайди. Исо Валволижий унинг танг аҳволини кўриб, ҳозир вақти эмас, деса ҳам, олим унамасдан "Эй бахтли ўрток, бу оламга келган ҳар кишининг у дунёга кўчмоғи зарурдир, мен бу дунё билан хайрлашаётибман. Ўша масалани билмай кетганимдан билиб кетганим яхшироқдир", дея ҳаммасини эшитади. Ва шу хусусида ўз фикрини охирги нафасигача айтиб, дунёдан кўз юмади.

Айтмоқчимизки, бугунги ёшларимиз ҳам устоз Беруний тўғрисидаги ҳаётий мисоллардан сабоқ олишлари, яъни умрбод изланиш, тинмай ўқиш, синчиклаб ўрганиш лозимлигини тушуниб етишлари ҳаётий заруратдир.

Ж.ХАЛИЛОВ,
Андижон ВПХМОИ
ректори

НОШИР — КУТУБХОНА — КИТОБХОН

2000 йил декабрь ойининг сўнгида мамлакатимиз таълим, илм-фан, маънавият соҳаларидаги вазирликлар, қўмиталар, йирик жамоат ташкилотлари иштирокида "Миллий истиқлол ғоясини сингдиришда кутубхоналарнинг ўрни ва вазифалари" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтган эди. Унда иштирок этган мутахассисларнинг маърузаларини, баҳс-мунозаралари, очиқ суҳбатларини тинглаб, дилим ёришди: бугун биз маънавий манфаатлар асосида жипсроқ бирлашиш сари қадам қўя бошладик. Маънавий манфаатларни бозор талабларига уйғун тарзда юзага чиқариш йўлларини ахтармоқдамиз. Анжуман қатнашчилари ўзларини кўпдан бери ташвишлантириб келаётган масалалар хусусида куюниб мунозараларга киришдилар. Уларни ойдинлаштириб олишга ҳаракат қилдилар. Мени бир ношир сифатида анча вақтдан бери ташвишлантириб юрган муаммолар хусусида ҳам мунозаралар бўлиб ўтди.

Хўш, кутубхоначиларимизни қайси ташвишлар қийнамоқда, не муаммолар ўйлантирмоқда? Аввало, бугун дунёда кутубхоналарнинг мавқеи кескин ошди. Улар ахборот-ресурс марказларига айланиб, ривожланган мамлакатларда яхлит жаҳон ахборот-ресурс макони юзага келди. Бу мамлакатларнинг китобхонлари компьютер ёнида ўтириб, шу макон ҳудудига кирган дунёнинг истаган нуқтасидаги ахборот-ресурс маркази (бизнинг тушунчамиздаги кутубхона) билан боғлана олади. У ўтирган жойида дунёдаги ўзини қизиқтирган истаган китоб (ахборот, маълумот, тадқиқот, таклиф ва ҳоказо) билан танишиб чиқиши ва мулоқотга киришиши мумкин. Бу — бугунги дунё одами жаҳон тафаккури маҳсулидан фойдаланишда мислсиз имкониятларга эга бўлди, деган гап. Биз жаҳон ахборотлашиш асрига қадам қўйдик. Демак, жаҳон ахборот-ресурс маконига узвий боғланиш — зарурият. Худди шу талаблардан келиб чиқиб мамлакатимиз кутубхоналари жаҳон ахборот-ресурс маконига узвий боғланиши йўлида саъй-ҳаракатлар бошлашибди. Анжуманда бу ҳақда яхши гаплар бўлди.

Кутубхоналар, бутун маърифий соҳа олдида турган яна бир энг муҳим масала — ўсиб келаётган авлодни янги имлодаги адабиётлар билан таъминлаш муаммосидир. Ахборот, илм етказишнинг замонавий усуллари қанчалик мукаммаллашиб бормасин, ўқиш-ўрганиш, илм олишда китоб, барибир, энг асосий восита бўлиб қолаверади.

Биз эса ўқувчиларга янги имлода ҳали дарслик китоблардан бошқа на ижтимоий, на аниқ фанлар бўйича тайинли бирор адабиёт етказиб берганимиз йўқ. Бугун айни шу жабҳада катта узилишлар бўлаяпти. Мактаб кутубхоналарини янги алифбодаги бадиий, илмий-оммабоп, айниқса математика, физика, кимё, биология, чет тиллари, адабиёт, тарих, география каби фанлар бўйича тўлақонли, қизиқарли тилда ёзилган турли қўшимча адабиётлар билан таъминлаш мутлақо кечиктириб бўлмайдиган, лозим бўлса энг юқори даражаларда ҳал этилиши зарур масала бўлиб турибди.

Таълим тизимини зарур адабиётлар, айниқса янги алифбода тегишли барча адабиётлар билан ўз вақтида таъминлаш — миллатнинг келажаги масаласи, ўсиб келаётган авлод ўртасида миллий истиқлол ғоясини рўёбга чиқаришнинг бош йўлидир.

Янги имло асосида ўқиётган фарзандларимиз яна икки йилдан кейин ўрта таълимни якунлаб коллеж, академик лицейларга йўл олишади. Хўш, улар бу ерларда қайси адабиётлар асосида илм ўрганади? Бу ўқув юртларининг кутубхоналарида бирор нусха ҳам янги алифбодаги ўқув дарсликлари йўқ-ку! Демак, икки йил ичида бу ўқув даргоҳларидаги кутубхоналарни ана шу адабиётлар билан таъминлаш лозим. Бунинг учун биринчи навбатда зудлик билан таълим тизимининг барча тармоқларида янги имлога ўгирилиши лозим бўлган мавжуд адабиётлар рўйхатини тузиб чиқиш, янги имлода чоп этиш, улар билан кутубхоналарни таъминлашга киришиш керак.

Бугун нашриётлар билан кутубхоналар ўртасидаги алоқа деярли узилган. Боғловчи ташкилот — кутубхоналар коллектори янги шароитда ишлай олмай қолди. Биз ё кутубхоналар коллекторининг ишини бозор талабларига мос равишда янгича ташкил этиш йўли билан нашриётлар — кутубхоналар алоқасини тиклашимиз ёки бу алоқани бошқа бирор янгича шаклда йўлга қўйишимиз шарт. Акс ҳолда нашриётлар энг зарур адабиётларнинг ҳам тайёр қўлёзмасини чоп этиш учун етарлича нусха йиға олмайди.

Мамлакатимизда ҳозир 17 минг атрофида катта-кичик кутубхона бор экан. Ана шу кутубхоналардан ҳеч бўлмаса бир-икки минг нусха, китоб савдосидан ҳам шу миқдор атрофида китобга буюртма тушса, нашриётлар чоп этилиши ўта зарур деб ҳисоблаган қўлёзмаларни 5-6 минг нусхада чоп этишга таваккал қила олади. Лекин бирорта ҳам нусха буюртма тушмаган адабиётни, ҳозирги шароитда, аксарият нашриётларнинг чоп этиш имконияти йўқ.

Бугунги кунда "Ёзувчи" нашриётида мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари учун зарур бўлган йигирмага яқин номдаги адабиётнинг қўлёзмаси янги имлода чоп этиш учун тайёр турибди.

2001 йилда нашриётимизда чоп этилаётган 4 жилдлик "Ўзбек адабиёти" антологияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истар эдим. Аввало "Ёзувчи" нашриёти таҳририятида муаллифлар билан яқин ижодий алоқа ўрнатиш, ўзаро ижодий муҳитни яратиш, нашриёт билан муаллифлар, ҳамкорлар ўртасида ишончли вазиятни юзага келтириш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Таҳририят таклифи ва мамлакатимизнинг бир қатор етакчи адабиётшунос олимлари жамоаси томонидан яратилаётган "Ўзбек адабиёти" 4 жилдлиги ушбу ҳамкорликнинг дастлабки меваси. Антологиянинг умумий ҳажми 140 нашр табоқ атрофида бўлади. Унда энг қадимги даврдан то бугунги кунгача бўлган ўзбек шоир ва ёзувчилари вакиллари ҳақида қисқача маълумот, асарларидан сара намуналар берилади.

"Ўзбек адабиёти" антологияси 4 жилдлиги мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб чоп этилмоқда. У ёшларни халқимизнинг бой маданий меросидан баҳраманд этиш, Ватаннинг ҳур, эркин, дунёвий фикр-тафаккурли ўғил-қизлари бўлиб ўсишларига ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Бу китоб, аввало, ҳар бир мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юрти кутубхоналарида, оилавий кутубхоналарда бўлиши шарт бўлган нашрлардан бири.

Anjumandan keyingi o'ylar

Нашриёт таҳририятида ижтимоий фанлар соҳасида ҳам, аниқ фанлар соҳасида ҳам тайёрлов ёшидаги болалар, мактаб ўқувчилари, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари талабалари учун фан соҳалари бўйича турли қизиқарли адабиётлар яратиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозир бош мавзу йўналишларини аниқлаб олиш ва муаллифлар жамоасини шакллантириш жараёни кечмоқда.

Ана шундай изланиш ва ҳамкорлик асосида китобхонлар фойдаланиши учун қулай, лекин нашрга тайёрланиш жараёни мураккаб кечган ўзбекча-японча сўзлашгич луғат китоби яратилди. Қизиғи, китоб муаллифи япон аёли — Ая хоним. Ая хоним мамлакатимизда хизмат юзасидан бир-икки йил яшаши маълум бўлганда ўзбек тилини яхши ўрганиб олишни ният қилган экан. Ниятига етибди. Лекин шунгача японлар учун ўзбек тилини ўрганиш бўйича бирорта ҳам қўлланма, луғат бўлмаганлигидан хўп қийналибди, чоғи. Бунинг устига рус тилини мутлақо билмас экан. (Дарвоқе, Ая хоним хитой адабиёти бўйича мутахассис бўлиб, инглиз, турк тилларини пухта билар экан). Қисқа вақтда ўзбек тилини ҳам ўрганибди, ўзбек тилини ўрганаётган японлар ва япон тилини ўрганаётган ўзбеклар учун ёрдам, қўлланма бўлсин деб "Ўзбекча-японча" сўзлашгич ҳам тузибди.

Китобни нашрга тайёрлаш жараёнида техник жиҳатлар билан боғлиқ кўп мураккабликларга дуч келдик. Нашриётимизда япон ёзувига мослашган компьютерлар йўқ экан. Шу сабабли китоб Ая хоним билан биргаликда нашрга тайёрланди. Хоним нашриётда кўп бор бўлишига тўғри келди.

Кези келганда тайёр ноёб қўлёзмаларга эга, ёхуд қизиқарли китоб ёзиш лойиҳаси билан юрган муаллифларни нашриётга таклиф этамиз. Ниятимиз яқин келажакда аниқ нашр лойиҳаларини амалга ошириш бўйича муаллифлар билан олдиндан маърифатли ва манфаатли шартномалар асосида ишлашга ўтиш.

Абдуҳошим ИРИСБОЕВ,
"Ёзувчи" нашриёти бош муҳаррири

Унинг хулосасига кўра, сурункали руҳий зарбалар ўрта ёшдаги барча эркак ва аёлларда юракнинг ёғ босишини келтириб чиқарар экан.

Мамлакат енгил саноат бошқармасида ўтирган жаноблар ҳам ҳаттоки, одеколон нима учун бундай номлангани ҳақида ўйлаб кўришмаган эди.

Уруш қатнашчиси, кекса шоир Тўра Жуман кўп ва хўб ёзаётган ижодкорлардан. Ҳазрат Навоий таваллуд айёмлари арафасида шоир "Навоий" номли достон ёзибдилар ва Навоийнинг 50 та ғазалига ҳамда Навоий назари тушган мумтоз ижодкорларимизнинг 52 та ғазалига мухаммас боғлабдилар. Қуйида ана шу мухаммаслардан айримларини эълон қилаяпмиз.

САРВИ ГУЛРЎ КЕЛМАДИ

(Навоий ғазалига мухаммас)

Йўлиға чиқдим атай, жонон рўбарў келмади,
Минг хил хаёл бошимдадир, негаки у келмади.
Қора туним шамчироғи сочиб ёғду, келмади.
Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг откунча уйқу келмади.

Қилиб аҳду паймонлар, келмас нега ой юзли ёр,
Хаста бўлиб қолганмикин, ё бошқа сабаблар бор?
Ошди тобора ҳасратим, бўлди олам кўзга тор.
Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаю ул шўхи бадхў келмади.

Алам зиёда бўлуркан бир пасда ёр бўлса ёт,
Ишқ кўкида учолмасдин наҳот бўлсам беқанот.
Ёр бевафо бўлса кимга — унга бевафо ҳаёт.
Оразидин ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлғонда қаронғу келмади.

Етолмасдин ёр васлиға бўлурманму хору-зор,
Севги боғим наҳот сўлур келган чоғида баҳор.
Яшамоқдин не ҳожат, ёр ваъдаси бўлса бекор.
Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, они кўрганда кулгу келмади.

Ўйлаб бошим қотганидин уйқум қочур ҳар туни,
Нега бўлдим унга ошиқ, нега бўлдим мафтуни?
Оворамен хаёлимдин чиқаролмай мен уни.
Кўзларингдин неча су келгай деб ўлтурманг мени,
Ким, бори қон эрди келган бу кеча, су келмади.

Топилурми оламаро бирон бағри бут одам,
Юрагимга санчилмоқда дард тикони дам-бадам.
Инсон умри қисқа, нега унга шунча ғусса, ғам.
Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам,
Йўлға ким аввал қадам маъшуқи ўтру келмади.

Тўра, завқу-шавқим битди, не бўлуркин бундин кейин,
Ранги-рўйим каҳрабодек, менга бегона ўйин.
Кўзум етмас куйламоқға авжи баланд бахт куйин.
Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

МУНДОҚМУ БЎЛУР?

(Гадоий ғазалига мухаммас)

Соғиниб, висолингға мен зор, мундоқму бўлур?
Инсон зотида меҳр, дийдор мундоқму бўлур?

Ko'ngil bitiklari

Ой ўтди, учрашмаймиз, дилдор, мундоқму бўлур?
Кўнглум олиб сақламассен, ёр мундоқму бўлур?
Эй кўзи кофир, сочи зуннор, мундоқму бўлур?

Ўзунг айтғил, яхшими ёр кўзумни ёшласа?
Қорасин кўрсатмайин юрагимни ғашласа?
Умидим шул: мен сари жонон қадам ташласа.
Ул тор оғзинг ҳар қачонким ноз ила сўз бошласа,
Бир балодур ҳосилан, гуфтор мундоқму бўлур?

Бўлсун десанг суҳбат сир, тунда боргум пиёда,
Қўл ушлашиб кезамиз дарё бўйи, қиёда.
Биламан бу истагим бефойда ва зиёда.
Бу юруш бирла қиёматлар қўпординг дунёда,
Эй пари юзлук бегим, рафтор мундоқму бўлур?

Ёрсиз ҳувуллаб ётур менда боғ-роғ, гулзор, кўшк,
Бало бўлди жонимға қалбимдаги ўтлуғ ишқ.
Кўзларимдин оқадур ҳар дам қайғули сиришк.
Ўз хатосидин агар лоф урса зулфунг бирла мушк,
Чин эмастур бу хато, тотор мундоқму бўлур?

Писанд қилмадинг қалбдин чиққан нидони оқибат,
Қадрламадинг зарра ёрға фидони оқибат.
Тўраға кулки қилдинг мен адони оқибат.
Бир сучук сўз бирла ўлтурдунг Гадони оқибат,
Эй жафочи шўхи ширинкор, мундоқму бўлур?

Тўра ЖУМАН

МЕН СЕНИ СОҒИНДИМ

Қалбингни қоғоздай майда-майдалаб,
Йиртиб шамолларга этганда эҳсон.
Эшикнинг остидан итдай ҳайдалиб,
Қолдинг етимлардай бўзлаб ёлғизим.

Қуриган япроқдай интилдим доим,
Етолмай топталдим қадам остида.
Кўзларимда қолди сўнгги фарёдим,
Қанийди жон берсам сенинг боғингда.

Эзилма, қиш қаҳри ўтар ҳам кетиб
Тегрангдан сочилар меҳр-ҳарорат.
Афсус Дилбар эмас, руҳдайин етиб
Жонингга кирурман суюкли муждам.
Мен сени соғиндим...

Кўролмай доғда...

ИЗТИРОБ НОЛАСИ

Муҳаббатнинг фиғонлари ёлғон бўлди,
Илтижоли кўзларимга армон тўлди,
"Севдим" деган шўх ноласи хазон ўлди,
Мен йиғладим тўлиб-тўлиб, билмадингиз.

Ошиқларнинг манглайида ёшдек қотдим,
Дардларимни қоялардан тошдек отдим.
Бевафолар тузоғига нетай ботдим,
Мен йиғладим куйиб-куйиб, сезмадингиз.

Қақради-ку лабларим ишқ саробидан,
Мен бўғилдим хиёнатнинг шаробидан,
Юзга чизиқ тушди турмуш гирдобидан,
Умр бўйи сизни севдим, билмадингиз.

Дилбар МУҲАММАДАЛИЕВА,
ЎзДЖТУ аспиранти

Xullas...

"ТРОЙНОЙ"— КОММУНИЗМ "ОТА"ЛАРИ

"Тройной" одеколонининг тарихини кўпчилик билмаса керак. "Коммунизм" даврининг бу маҳсулоти тарихий шахслар номи билан боғлиқ. Бугунги кунда ҳам уни ишлаб чиқараётган Қрим атторлик моллари фабрикасида эътирозлар пайдо бўлмоқда. Мамлакат енгил саноат бошқармасида ўтирган жаноблар ҳам ҳаттоки, одеколон нима учун бундай номлангани ҳақида ўйлаб кўришмаган эди.

Одеколон ёрлиғидаги белги коммунистик таълимотнинг уч нафар асосчиси —Маркс, Энгельс, Ленин номини англатиб туришини билгач, бошқарма раҳбарияти "э, ҳа, шунақами?" дея таажжубда қолишди.

Гапнинг пўскалласи — "Тройной"нинг номи ўзгарадиган бўлди.

РУҲИЙ ЗАРБА "СЕМИРТИРАДИ"

"40 ёшдан сўнг юракнинг ёғ босиши билан курашинг" деб уқтиради олима Памела Пик ўз китобида.Унинг хулосасига кўра, сурункали руҳий зарбалар ўрта ёшдаги барча эркак ва аёлларда юракнинг ёғ босишини келтириб чиқарар экан.

Ким томонидандир руҳий азоб "еган" кишининг юраги атрофида ёғ пайдо бўлдими, демак унинг вазни оша бошлайди. Хўш, бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Биринчидан, ҳар ҳафтада 30-40 дақиқалик бадантарбия машғулотларини бажариш тавсия этилади. Шунингдек, оқсил ва ёғ моддаларига тўйинган озиқ-овқат маҳсулотларидан киши ўзини мумкин қадар тийиши керак.

ЕР ОСТИДА ТУХУМ

Марҳум овчининг васиятига кўра, уни яқинлари, дўст-биродарлари Клязма дарёси қирғоқларидан унчалик узоқда бўлмаган қабристонга қўядиган бўлдилар. Қабр икки метр чуқурликда ковлангач, думалоқ шаклдаги худди оқ гулга ўхшаш нимадир кўзга ташланди. Гўрковлар аввал уни яшириш пайидан бўлишди, сўнгра белкуракни чуқурча устига кўндаланг қўйишди.

Маълум бўлишича, бу улкан тухум жуда қадимий даврга мансуб. Ҳозирча топилма эгалари уни нодир нарсалар сақланадиган музейга топширишга шошилмаяптилар. Жаҳон бозорида унинг баҳоси бир неча минг долларга баҳоланиш эҳтимоли бор. Мутахассислар таъкидлашмоқдаки, бу жойдан яна 3 тадан 5 тагача тухум чиқиши мумкин. Ва у агар ноёб топилмалар рўйхатига илинадиган бўлса, катта маблағ қўлга киритилади.

ana shunaqa gaplar...

Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 204-сонли мактаб томонидан 1992 йилда Алимов Мурод номига берилган 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги АҲ№104156 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Sport maydonchasi

І БОСҚИЧ ЯКУНИ

Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитасида мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган умумтаълим мактаб ўқувчиларининг "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича республика ташқилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Азамат Зиё олиб борди. Мажлисда мусобақаларнинг биринчи босқичи таҳлил этилди.

ЁШЛАРГА ТУҲФА БЎЛАДИ

Шу йил 1 февралдан мамлакатимиз бўйлаб "Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуи" ҳаракати бошланади. Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Фидокорлар миллий демократик партияси, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси каби кўплаб жамғармалар ҳамкорлигидаги ҳаракат келажак авлод — маҳалла ёшлари учун туҳфа бўлади.

МУЗДАН КЎЧГАН ЖАНЖАЛ

Москванинг ЦСКА спорт мажмуида якшанба куни бўлиб ўтган хоккей бўйича навбатдаги мусобақа беўхшов интиҳо топди. Муздаги спортчилар ўртасида бошланиб кетган жанжал ишқибозу мухлисларни ҳам ўз домига тортди. Натижада 4 соатлик ур-йиқитлар спорт мажмуасини ачинарли аҳволга келтириб қўйди.

ФЕРМЕРНИНГ СПОРТ МАЖМУАСИ

Урганч туманидаги "Омад" фермер хўжалиги қошида "Баҳодир" спорт мактаби иш бошлади. 2-синфдан бошлаб болалар ва ўсмирлар спорт билан шуғулланишлари мумкин бўлган масканда, айниқса, кураш ва культуризм секциялари гавжум.

ТАЙЁРГАРЛИКДАН ЎТДИ

Чимёнда мавсумий спорт ўйинларидан саналадиган тоғчанғи спорти бўйича ўсмирлар ўртасидаги навбатдаги биринчилик бўлиб ўтди. Мусобақаларда олимпиада иштирокчиларидан тортиб, ёш ва умидли спортчилар ҳам қатнашгани эътиборга лойиқдир. Улар бу йилги 4 та халқаро мусобақалардан олдин ўзига хос тайёргарликдан ҳам ўтди.

КРОССВОРД



ЭНИГА: 5. Билим, таълим-тарбия маскани. 6. Дунёда энг оммалашган спорт ўйини. 9. Атроф- муҳит ҳодисаларини ўрганувчи фан. 10. Саудия Арабистонининг мусулмон оламида муқаддас ҳисобланувчи шаҳри. 12. Цирк томошалари кўрсатадиган майдон. 14. Ўзбекистондаги автомобилсозлар шаҳри. 15. Африкалик машҳур тўпурар футболчи. 16. Сурхондарё вилоятидаги туман. 18. Кўплаб етиштириладиган техника экини. 21. Беш мустақил достондан иборат асар. 23. Сўз туркуми. 24. Физиканинг жисмлар ҳаракати ва куч билан ҳаракат ўртасидаги боғланишни ўрганувчи бўлими. 25. Ўзбек мумтоз ғазалнавис шоири. 26. Мумтоз адабиётда шеърий топишмоқ.

БЎЙИГА: 1. Китобча шаклидаги варақли ёзиш ашёси. 2. Синф жиҳози. 3. Тиниш белгиси. 4. Ҳайдалган ерни текислашда ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги техникаси. 7. Қадимий меъморлик ёдгорлигига берилган ном. 8. Гапнинг асосий бўлакларидан бири. 11. Тригонометрик функция. 13. Узунликни ўлчашда фойдаланиладиган тасма шаклидаги сантиметрга бўлинган асбоб. 17. Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романи қаҳрамони. 18. Машҳур Эйфел минораси бунёд этилган Европадаги пойтахт шаҳар. 19. Ақлий спорт ўйини тури. 20. Дарё бўйи. 22. Ип-ипак аралаш миллий газлама. 23. Физик олим А.С.Попов ихтиро қилган оммавий ахборот техникаси.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
Андижон туманидаги 3-иқтидорли болалар мактаб-интернат ўқувчиси

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 20 ЯНВАРЬ СОНИДА БЕРИЛГАН "УСТОЗ АДИБ" ЧАЙНВОРД-МУАММОНОМА ТЕСТ ЖАВОБЛАРИ:

ЧАЙНВОРД

1. Абулқосим. 2. Марғилон. 3. "Наво". 4. Ойбек. 5. Кетмон. 6. Намоянда. 7. "Аҳволимиз". 8. Зайнаб. 9. "Баҳромгўр". 10. Раъно. 11. Ойим. 12. "Мушгум". 13. Мирзо. 14. Отабек. 15. Котиблик. 16. Калвак. 17. Куёв. 18. Ватан. 19. Наср. 20. Роман. 21. Нима. 22. Адабиёт. 23. Тошкент. 24. Тошпўлат. 25. Тақриз. 26. Зилзила. 27. Абдуқундузов.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Жулқунбой, 2. Мухтор Авезов. 3. Гирвон. 4.Беҳзод Муҳаммадкаримов. 5. Иззат Султон. 6. Шапоқ Маҳзум. 7. Фельетон. 8. "Олчазор". 9. "Янги йўл"

Ибратли сўзлар: Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайдилар—сўз-қолип, фикр унинг ичига қўйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин.

СУРАТЛИ ЖУМБОҚ

Абдулла Қодирий билан суҳбатдошлар:
Садриддин Айний ва Сўфизода

БИРИНЧИ ДАВРАНИНГ СЎНГГИ ЎЙИНИ

Quvnoq startlar

XVIII республика "Қувноқ стартлар" телемусобақасининг биринчи давра сўнгги беллашувида Тошкент вилояти Паркент туманидаги 10-ўрта мактабнинг "Қалдирғоч" ва Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги 4-ўрта мактабнинг "Ёшлик" командалари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Одатдагидек, ҳар икки команда аъзолари марра чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтиш учун учрашув бошиданоқ маҳорат ва чаққонликларини ишга солишга ҳаракат қилишди. Дастурнинг биринчи мусобақасида ("Ўз исмингни ёз") "Қалдирғоч" командаси ғолиб чиқди. Иккинчи беллашувда ("Қувлашмачоқ") "Ёшлик"командаси маррага биринчи етиб келди. Лекин команда аъзолари 4 та хатога йўл қўйганликларини ҳисобга олган ҳакамлар 1 та жарима очкосини олиб ташлаб, 2 очко беришди.

Дастурнинг учинчи мусобақасида ("Тезкор арава") "Қалдирғоч" командаси, тўртинчи беллашувда ("Кенгурулар пойгаси") "Ёшлик" командаси 3 тадан очко олди. Бундан кейинги беллашувда ("Арқон тортиш") паркентлик ўқувчилар ўзларининг полвонлар авлоди эканликларини намойиш қилишди.

Олтинчи беллашувда ("Ким олдин") яна сирдар-ёликлар 3 очкони қўлга киритишди. Олти учрашув якунига кўра "Қалдирғоч" командаси бир очко фарқ билан (12:11) олдинда келди. Шундан кейинги иккита беллашувда ("Мерганлар", "Баскетболчи пингвин") "Қалдирғоч" командаси ғалаба қозониб, 5 очко олдинга ўтиб кетди. "Ёшлик" командаси эса қолган 5 та учрашувда тенгма-тенг кураш олиб борди.

Қизғин, муросасиз давом этган беллашувда "Қалдирғоч" командаси 27:22 ҳисобида зафар қучиб, иккинчи давра мусобақаларида қатнашадиган бўлди.

Ғ.МАННОПОВ

Самарқанд вилояти ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси

якка шахслар, ташкилот ва муассасалардан

академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини харид қилади.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Шоҳруҳ кўчаси — 82-уй. Телефонларимиз: (8.366.22) 33-62-23, 33-50-67.

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 2001 йилнинг февраль ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган:

1. Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар — ўзбек — 1-14
2. Мутахассислиги тарих бўлган директорлар — ўзбек — 15-28
3. Мутахассислиги химия-биология бўлган директорлар — ўзбек — 1-14
4. Мутахассислиги математика ва информатика бўлган директорлар — ўзбек — 15-28
5. Мутахассислиги чет тиллари (рус, инглиз ва ҳ.к.) бўлган директорлар — ўзбек — 1-14
6. Мутахассислиги география бўлган директорлар — ўзбек — 15-28
7. Мутахассислиги физика ва умумий техника фанлари бўлган директорлар — ўзбек — 1-14
8. Директорлик лавозимида 5 йилгача ишлаётганлар — ўзбек — 5-25
9. Туман (шаҳар) метод кабинет мудирлари учун янги педагогик технологиялар бўйича (Рейтинг ва тест тизими, мониторинг) курс — ўзбек — 1-14
10. Ташхис марказининг касбга йўналтирувчилари (профориентаторлари) курси — ўзбек — 15-28
11. Ўқиш рус тилида олиб бориладиган ёрдамчи мактаб она тили ўқитувчилари — рус — 1-14
12. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари ўқитувчилари учун (мақсадли) курс — ўзбек — 15-28
13. Туман (ш.) ХТБ химия-биология фанлари бўйича методистларини "Лотин ёзувига ўргатиш" (маърузачилар) курси — ўзбек — 1-14
14. Туман (ш.) ХТБ ИХТА фани методистлари учун янги ДТС, УЎТ ўқув дастури ва тестни таълим жараёнига тадбиқ этиш — ўзбек — 15-28
15. Туман (ш.) ТХБ жисмоний тарбия фани методистлари учун ДТС ва ўқув дастурини таълим жараёнига тадбиқ этиш — ўзбек — 1-14
16. Туман (ш.) ХТБ физика фани методистлари учун ДТС, УЎТ ўқув дастури ва тестни таълим жараёнига тадбиқ этиш — ўзбек — 15-28
17. Ўқувчилар саройи, БЎИМ директорлари курси— ўзбек — 1-14
18. Спорт мактаби тренер-ўқитувчилари (волейбол бўйича) — ўзбек — 15-28

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади. Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар ўқув-режа, дастур, стандартлар ҳақида маърузалар қиладилар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи, Хотира, Шаҳидлар хотираси мажмуи ҳамда бошқа зиёратгоҳларга экскурсия уюштирилади.

Тингловчининг сафар гувоҳномасида қайси курсга юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Режада белгиланган муддатга етиб келмаган тингловчилар курсларга қабул қилинмайди

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент—95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси бекатигача.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Шерзод АҲМАТОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2017. Тиражи 36.750.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.